

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ ДАВЛАТГА
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ

Мирзакаримова Муяссар -
Фарғона давлат университети “Сервис ва иқтисодиёт”
кафедраси доценти, и.ф.д.

Азимова Лола -
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
“Корпоратив бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси
Нажимова Шафоат Одилжон қизи -
Ўзбекистон Миллий Университети магистри

Аннотация: Мақолада COVID-19 пандемиясининг ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий давлатга, турли аҳоли қатламларига таъсири таҳлил қилинган ҳамда мамлакатлар томонидан кўрилаётган чоралар ўрганилган. Пандемия даврида аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий давлат, иқтисодий инқироз, ижтимоий яқкалашиш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот.

THE IMPACT OF THE COVID-19 PANDEMIC ON THE WELFARE STATE
IN DEVELOPING COUNTRIES

Muyassar Mirzakarimova -
Fergana State University, Associate Professor of
"Service and Economics", i.f.d.

Lola Azimova -
Senior Lecturer, Department of Corporate Governance,
Tashkent Institute of Textile and Light Industry
Najimova Shafokat Odiljon qizi -
Master of the National University of Uzbekistan

Annotation: The article analyzes the impact of the COVID-19 pandemic on the welfare state and various segments of the population in developing countries and examines the measures taken by countries. During the pandemic, scientific proposals and practical recommendations were developed to improve the welfare of the population.

Keywords: social state, economic crisis, social isolation, social protection, social security.

ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА СОЦИАЛЬНОЕ ГОСУДАРСТВО
В РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ

Муяссар Мирзакаримова -
Ферганский государственный университет,
доцент кафедры «Сервис и экономика», к.э.н.

Лола Азимова -
старший преподаватель кафедры корпоративного управления
Ташкентского института текстильной и легкой промышленности
Наджимова Шафоат Одилжон кызы -
Магистр Национального Университета Узбекистана

Аннотация: В статье анализируется влияние пандемии COVID-19 на социальное государство и различные слои населения в развивающихся странах, исследуются меры, принимаемые странами. Во время пандемии были разработаны научные предложения и практические рекомендации по повышению благосостояния населения.

Ключевые слова: социальное государство, экономический кризис, социальная изоляция, социальная защита, социальное обеспечение.

Кириш. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги ўрни уларнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётининг муҳим бўғини сифатида ушбу мамлакатларда ривожланган мамлакатларга

иқтисодий ва сиёсий боғлиқликнинг кучайиши тенденцияси таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар илгаригидек жаҳон бозорига хом ашё ва ёқилғининг йирик етказиб берувчиси ҳисобланади, Фарб мамлакат-

лари ёқилғи импортида ривожланаётган мамлакатларнинг сезиларли улушига қарамай, охириги йилларда бир мунча камайди. Ушбу мамлакатлар хом ашё етказиб берувчи ҳисобланганлари ҳолда тайёр маҳсулот импортига боғлиқ қолмоқдалар. Шу сабабли бугунги кунда жаҳон экспортида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссаси фақат 30% атрофида, шу жумладан, саноат маҳсулотларини етказиб беришдаги улуши 21,4% ни ташкил этади[22].

Бу гуруҳ мамлакатлар иқтисодиётининг ТМК ларга молиявий боғлиқлиги юқори. Энг илғор технологияларга эга бўлган ТМК лар ривожланаётган мамлакатларда ўз филиалларини жойлаштириш мақсадида қўшма корхоналарни яратишда анча фаол. ТМК ларнинг камида $\frac{1}{4}$ қисм хорижий қўйилмалари ривожланаётган мамлакатларда жамланган. Хусусий капитал бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда хорижий тушумларнинг асосий унсури бўлиб қолмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссасига бугунги кунда хусусий манбалардан тушаётган барча маблағларнинг ярмидан кўпи тўғри келмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Т.Х.Маршалл “XX аср ижтимоий сиёсати” номли фундаментал асарида ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий тенгсизликни бартараф қилиш заруриятида давлатнинг роли масалаларига мурожаат қилади. Ушбу асарнинг иккинчи бобида иқтисодиёт, сиёсат, мафкурадаги вазиятни таҳлил қилади, XIX-XX асрлар оралиғидаги воқеаларни ўрганади, ўқувчини сиёсий дебатларга тортади, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан, илмий ғояларга дуч келиш ва умумий келишувчанлик заруратини тушуниш билан боғлиқ мунозараларни ҳал қилиш билан, ижтимоий сиёсат ишлаб чиқиш ва ўтказиш, бутун жамият ижтимоий масалаларини ҳал қилишга давлатнинг жалб этилганлиги билан таништирилади[8].

Т.Х.Маршаллнинг қайд этишича, ўз моҳиятига кўра, бу кесишувлар шунчаки воқеалар эмас, балки кашфиётлар бўлган. Улар малакасиз ишчилар яшаш шароитларига тегишли янги далилларни ёритди. Ва бу вақт жиҳатдан бошқа янада кенгроқ, кўламли кашфиётлар билан мос келди. Улар ижтимоий ҳаётга барча турли йўналишлардан бир вақтда янги таассурот уйғотадиган куч билан узилиб турди.

Гарчи биринчи янги таълим манбаси бўлмасда, Лондон аҳолиси ҳаётини ўрганишга бағишланган Ч.Бутнинг тадқиқотлари энг машхури ҳисобланади. С.Роунтрининг Йорк аҳолисининг тўлиқ тадқиқотига бағишланган китоби 1902 йилда нашр қилинди. Ушбу китоблар катта муваффақият қозонди, унда келтирилган далиллар эса тезлик билан умумий фойдала-

нишга киритилди ва белгиланган ҳақиқатлар сифатида энг юқори доираларда иқтибос келтирилди. Тасвирлаш учун Т.Х.Маршалл бунда Л.Ч.Монейнинг “Бойлик ва камбағаллик” асари ҳақида таъсирли сўз келтиради: “Биз жаноб Б.С.Роунтри ва Ч.Бутнинг аниқ илмий изланишлари туфайли биламизки, аҳолимизнинг чоракка яқин қисми очарчилик ёқасида турибди”[8,24].

Сал кейинроқ ижтимоий ислоҳот бўйича ўз компаниясининг бошида Ллойд Джорж шунчалик ҳал қилуви бўлди. Ч.Бут ва Б.С.Роунтрилар унинг сўзи бўйича “ҳатто фақат маҳмадоналик қиладиган нотикларнинг бир умрлик норозилиги учун бўрттириш қийин бўлган, айниқса, шаҳарларга хос нарсалар тартибини аниқладилар. Ушбу мамлакатда ҳатто кундалик эҳтиёж молларининг етишмовчилигини бошдан кечирган ҳолда омон қолиш қийинчилигига йилдан – йилга дуч келаётган 10 млн. кишилар мавжуд”[8,24].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этади. Ижтимоий жараёнларни ўрганишда ижтимоий муҳофаза-лашга оид кўрсаткичларни миқдорий ўрганиш, яъни аҳоли ижтимоий фаровонлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилади. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув, статистик умумлаштириш усуллари билан фойдаланилади.


Таҳлил ва натижалар. Коронавирус (COVID-19) пандемиясининг асосий хусусияти шундаки, энг бошидан у авлодлар ўртасидаги низони белгилади: бир томондан, бу вирус таъсирида катта ёшдаги кишилар энг ночор гуруҳ бўлиб қолди: уларда касаллик оғир шаклда кечди, юқтириш ва ўлим хавфи бир мунча юқори (1-расм). Бошқа томондан, ҳукумат қабул қилаётган ижтимоий яққаллашиш чоралари барча ёш гуруҳларига тарқалди, улар томондан келтириб чиқарилган иқтисодий фаоллик чекловлари энг аввало, меҳнатга лаёқатли шахслар учун қутилмаган зарба бўлди.

Шу сабабли пандемия юқорисида қабул қилинган ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кўплаб чоралари карантиндан чиқиш биринчи босқичларида меҳнатга лаёқатли аҳолига, болали аёллар ва иқтисодий ночор фуқароларга қаратилганлиги тасодиф эмас[1]. Катта ёшдаги фуқароларга тўловлар барча ёш гуруҳларига йўналтирилган ижтимоий тўловлар тўлаш мезонларига мувофиқ келди, улар пандемияда ижтимоий қўллаб-қувватлаш объекти бўлиб қолди. Агар бетоб бўлсалар, касаллик варақаси

олиш ҳуқуқига эга бўлдилар; агар пандемия бошлангунга қадар улар ишлаган бўлсалар, ишсизлик нафақаси ёки бандликни қўллаб-қувватлаш чоралари қўлланилди; агар уларнинг даро-

мадлари белгиланган мезонларни қаноатлантирса, носуғурга ижтимоий тўловлари белгиланди.

3. Ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий давлатларга COVID-19 пандемиясининг таъсири



1-расм. АҚШ да 2020 йил 2 июль ҳолатига коронавирус (COVID-19) инфекцияси тасдиқланган диагнози билан ўлганларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони[23]

Шунга қарамай, пандемия, иқтисодий инқироз ва инқирозга қарши қарорлар билан вужудга келган ижтимоий яқкалашиш оқибатлари катта ёшдаги аҳолига ва ушбу ёш гуруҳига йўналтирилган ижтимоий сиёсат институтларига таъсир кўрсатиш ўзига хослигига эга. БМТ катта ёшдаги аҳолига пандемия таъсирининг куйидаги йўналишларини ажратади:

- юқори ўлим хатарлари;
- қариялар уйларида яшовчи фуқароларнинг ночорлиги;
- эътиборсизлик ва зўравонлик юқори хатарлари;
- руҳий саломатлик учун яқкалашиш салбий оқибатлари;
- даромадлар ва турмуш даражаси пасайиши хатарлари;
- стресс, ортиқча босим ва хавфлар соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда банд бўлган қариялар учун зарарлидир[13].

Қисқа муддатли талаблар қариялар уйларида коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва ижтимоий яқкалашиш оқибатларига тегишлидир; узок муддатли талаблар эса инқироз ва инқирозга қарши чораларнинг пенсия тизимига ва кекса ёшдаги аҳолининг фаровонлигига таъсири билан боғлиқдир.

Катта ёшдаги фуқароларни ижтимоий яқкалаш ва унинг оқибатларини тугатиш. Катта ёшдаги кишилар ўртасида коронавирусдан ўлим юқори хатарлари билан боғлиқ равишда кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари айнан шу аҳоли гуруҳлари учун қатъий талабларни киритдилар. Ижтимоий масофалашиш ва яқкалашиш талаблари кейинчалик, карантиндан чиқиш дастлабки босқичларида ушбу ёш гуруҳлари учун сақланиб қолади (масалан, Болгария,

Испания, Словакияда)[6]. Катта ёшдаги кишиларни зарарлаш хатарини камайтириш учун айрим мамлакатлар пандемия даврида уларнинг дўконларга (Аргентина, Украина), банкларга (Аргентина), тиббий муассасаларга (Аргентина) қатнаши учун махсус соатларни киритдилар.

Боғланишлар сонини камайтириш учун ижтимоий трансфертлар олиш қўламлари ўзгартирилди: Туркиянинг айрим шаҳарларида, Арманистон, Беларуссия ва Қирғизистонда кекса ёшдаги аҳоли пенсиялари уларнинг уйларига элтиб берилди; Болгарияда пенсия ажратмалари автоматик равишда белгиланди ва банкдаги ҳисобларига тўланди, Кабо-Вердада телефон қўнғироғига кўра, пенсиялардан фойдаланишга рухсат берилди, Мексика ва Перуда тўловлар икки ойлиги бирданига кўтарасига амалга оширилди[23].

Бироқ коронавирусни қайд қилиш хатари нуқтаи назаридан фойдали бўлган катта ёшдаги аҳолини яқкалаштириш қатор салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин, яъни улар орасида руҳий ва умумий (шу жумладан, сурункали ноинфекцион касалликлар олдини олиш ва даволаш учун тиббий хизматлардан фойдаланишнинг камайганлиги сабабли) саломатлигининг ёмонлашуви (инфаркт, инсультларнинг юқори хатарлари), кишиларнинг кўниккан мулоқот доирасидан ташқаридаги когнитив тартибсизликлар[10], кекса ёшдаги кишиларга нисбатан улар билан бирга яшайдиган қариндошлари ёки қариялар уйларидаги ижтимоий хизматчилар томонидан эътиборсизлик ва зўравонлик муаммоси[6;10].

Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти[18] ҳамда қариялар билан ишлайдиган қатор халқаро нотижорат ташкилотлари (HelpAge

International, AgePlatform и др.) [18] мамлакатлар ҳукуматларига, нодавлат ташкилотлари, ижтимоий хизматчиларга пандемия даврида кекса кишилар билан ишлаш, руҳий саломатлигининг ёмонлашиши ва қарияларга нисбатан зўравонликнинг кучайиши хатарларини тугатиш бўйича тавсияларини чиқарди. Қатор мамлакатларда ҳукумат тузилмалари (соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя вазирликлари ёки департаментлари) қариялар руҳий саломатлигини қўллаб-қувватлаш (масалан, Буюк Британияда [2]) ва зўравонликни тугатиш (Хорватия [2]) юзасидан ҳам тегишли тавсияларни чиқарди. Данияда Альцгеймер билан касалланганлар Уюшмаси ва Деменцияни ўрганиш бўйича Дания тадқиқотлар маркази COVID-19 пандемияси даврида деменцияли кишиларни қандай қўллаб-қувватлаш ҳақида қариндошлар ва мутахассислар учун тавсиялар чиқарди [2].

Буюк Британияда давлат инқирозга қарши чоралари доирасида катта ёшдаги фуқароларга ўз-ўзини яққалаш шароитидаги ёлғизлик оқибатларини тугатишда ёрдам бериш учун ишонч телефонлари берилган [2]. Пандемиядан кўпроқ азият чекаётган Хельсинки шаҳри даражасидаги шу каби ташаббус Финландияда амалга оширилди [19]. Бельгия ва Францияда оилавий зўравонлик жабрланувчиларига полиция навбатчилиги ташкил қилинган дорихоналарда ёрдам кўрсатишни сўраш ҳуқуқи берилди; Францияда озик-овқат дўконларида маслаҳат хизматлари қўшимча равишда ташкил қилинди [6].

Пандемия даврида барча мамлакатларда катта ёшдаги кишиларни руҳан қўллаб-қувватлаш, уларга маиший ва ижтимоий хизматлар бўйича ёрдам беришда: ривожланган мамлакатларда кўпроқ миллий (ёки минтақавий) ва ривожланаётган мамлакатларда халқаро миқёсдаги нотижорат ташкилотлари фаол роль ўйнамоқда. Қатор Европа мамлакатларида (масалан, Швеция, Литвада) коронавирус пандемияси қариялар билан ишлайдиган ҳукумат тузилмалари, нодавлат ташкилотлари ва кўнгиллилар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатишга ёрдам берди [6]. Нотижорат соҳаси ва кўнгиллилар ёрдами маҳсулотлар, зарур товарлар, доридармонлар ва врачларнинг рецептларини уйга элтиб беришни ўз ичига олиши мумкин.

Яққалаштиришнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши ахборот технологияларини ривожлантириш ва уларнинг катта ёшдаги аҳоли томонидан фойдаланилишини кенгайтириш билан боғлиқ. Бу улар орасида ўқитиш чораларини билдиради [12]. Айрим мамлакатлар ҳукуматлари компанияларга ҳатто эпидемия бошлангунга қадар қарздорлик вужудга келган тақдирда ҳам

(Аргентина, Туркия) карантин чоралари охирига қадар кекса кишиларга телевидение ва интернетни узиб қўйишни тақиқладилар. Бошқа мамлакатларда катта ёшдаги кишиларни ўқитиш ташаббуслари, ахборот технологиялари ва улар учун “иссиқ йўналиш”ни ташкил қилишни нотижорат ташкилотлари ва кўнгиллилар ўз зиммасига олдилар. Масалан, Португалияда ОТМ ларидаги талабалардан кўнгиллилар кекса кишиларни онлайн коммуникацион платформалар, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга, яқинларига кўнғироқ қилишга ўргатиш мақсади бўлган ‘Somos Todos Digitais’ қўллаб-қувватлаш телефон линиясини йўлга қўйдилар [6].

Узоқ муддатли парваришлаш тизимига пандемиянинг таъсири. Яққалаштириш вақтида қарияларнинг кундалик эҳтиёж маҳсулотлари, товарлардан барқарор фойдаланиши ҳамда уйда парваришлашда ёрдам кўрсатишни таъминлаш қийин ҳисобланади. Кишиларни кўчиришга чекловлар, карантинга риоя қилиш талабларини киритиш қарияларнинг бир қисмини қариндошлардан бундай ёрдам олишини чеклаб қўйди. Нотижорат соҳаси ва кўнгиллилар юзага келган тақчилликнинг қисман ўрнини босдилар [9]. Кўплаб мамлакатлар парваришлаш бўйича бепул хизмат кўрсатадиган (қариндошлар, таниш-билишлар, кўнгиллилар) кишиларга пандемия даврида бу хизматларни кўрсатиш қоидалари ва ўзига хослиги ҳақидаги тавсияларни чиқардилар [9]. Шунингдек, Қариялар билан ўзаро таъсир бўйича қоидалар орасида мутахассислар уй хўжаликлари аъзоларини турли хоналар бўйича тақсимлаш, шамоллатиш, юзаларни дезинфекциялаш, масофа сақлаш ва мулоқот чоғида тиббий ниқобда бўлишни қайд этдилар [9].

Шу билан биргаликда, экспертлар норасмий парваришланадиган кишиларнинг маҳсулотлар харид қилишга, фавқулудда вазиятлардаги хулқ-атворда ёрдам кўрсатиш ва янада муҳимроғи, тестдан ўтказиш заруриятига ва уларни яққа ҳимоя воситалари билан таъминлаш ўзига хос эҳтиёжга етарли бўлмаган эътиборни қайд этадилар. Бундан ташқари, норасмий парваришланадиган шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакатлар чекланган сонига таъсир кўрсатади ва илгариги даражасида сақланиб қолади [9]. Лондон иқтисодиёт мактаби маълумотларига кўра, пандемия билан боғлиқ равишда қариялар ва ногиронларни норасмий парваришлаш бўйича молиявий қўллаб-қувватлаш 19 та мамлакатдан Англия, Германия, Индонезия, Ирландия, Испания, Кения, Словения, АҚШ каби мамлакатларда амалга оширилмоқда [9].

Бироқ узоқ муддатли парваришлашнинг энг зарарланган шакли институционал парвариш ҳисобланади: каттароқ ўлим хатари гуруҳи-

га кўпроқ қариялар уйларидаги беморлар кирадилар. Лондон иқтисодиёт мактаби экспертларнинг баҳолашларига қараганда, қариялар уйларидаги ўлим қатор мамлакатларда (Гонконг, Иордан, Мальта) 80% га етиб, юқори ривожланиш даражасига эга мамлакатлар орасида коронавирустан ўлим ўртача 47 %ни ташкил этади[3]. Шу билан боғлиқ равишда, айрим мамлакатларда қариялар уйлари яшовчилари учун саломат ва зарарланган шахсларни тақсимлаш билан қатъий яккалаш тартиби киритилган[3]. Чунки қариялар уйларида инфекция тез тарқалишининг асосий сабаблари орасида хизмат кўрсатувчи ходимлар билан мулоқот орқали зарарланиш ажратилади ва кейинроқ, симптомларсиз олиб юрганлик туфайли коронавирусни аниқлаш мақсадида ЕИ га аъзо-мамлакатларнинг деярли чорак қисмида 2020 йил майи охирида қариялар уйларида яшовчилар ва ишловчиларни оммавий тестириш режалаштирилди ёки ўтказилди[6]. Янги кадрлар рекрутинги ва вазиятнинг мунтазам мониторингини амалга оширишдан ташқари, ижтимоий муассасаларда яшовчи кишилар ва ходимларни тўлиқ яккалаш чоралари қўлланилди (Белоруссия)[15].

Пандемия оқибатлари, энг аввало, ривожланган мамлакатларда ҳамда ўртача ривожланиш даражасига эга қадимий мамлакатларда узоқ муддатли парваришлаш тизимини ривожлантириш учун узоқ муддатли оқибатларга эга бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси катта ёшдаги аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ушбу йўналишига мос молиялаштиришнинг муҳимлиги, турмуш ва хизмат кўрсатиш сифат стандартларини ўрнатадиган парваришлаш соҳаси тартибга солувчилари сифатида давлатнинг ҳал қилувчи ролдан далолат беради.

Канада тажрибаси, жумладан, парваришлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг минимум миллий стандартларини ўрнатиш ва парваришни ташкил қилишда ягона меъёрий ва ахборот доираларини яратишнинг муҳимлигини қайд этади. Чунки фавқулудда вазиятлар шароитида (пандемия) бу соҳани ортиқча минтақалаштириш коммуникациялардаги муаммоларга, минтақа ҳокимиятларидаги ҳаракатларнинг келишилмаганлиги ва пировардида йўқотишлар катта миқдорига олиб келади [4].

Пандемиянинг пенсия тизимига таъсири. Пандемия амал қилаётган мамлакатларда ушбу касаллик пенсия тизимини молиялаштиришга узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатади. Энг аввало, иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши иш ўринларининг қисқариши, иш ҳақи реал ҳажмининг пасайиши суғуртали пенсия бадаллари

тўланадиган базанинг торайишига олиб келади [20]. Пандемия ортидан келадиган молиявий-иқтисодий инқироз кўпроқ хусусий пенсия тизимлари доирасидаги жамғармалар ва тўловлар ҳажмига салбий таъсир кўрсатади[10].

Шу билан бир вақтда, кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан инқирозга қарши чоралар пакети доирасида пенсия тизимларига тушумларни қўшимча қисқартирадиган ёки пенсия тўловлари ҳажмини оширадиган қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, пандемия даврида Францияда пенсия ислоҳоти тўхтатилди[21]. Суғурта бадаллари, шу жумладан, қисман пенсия таъминотида бадаллар тарифларини тўлаш ёки пасайтириш мораторийси пандемияда бизнес ва бандликка босимни пасайтиришга қаратилган оммавий тадбир бўлди. Умумжаҳон банкининг маълумотларига кўра, 12 июнь ҳолатига бизнесга суғурта босимини пасайтиришга нисбатан у ёки бу қарорлар 53 та мамлакатда қабул қилинди[7].

Масалан, кўпроқ зарар кўрган корхоналар учун суғурта бадаллари тўловларини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш Испания, Италия, Франция, Корея, Хитой, Японияда кўзда тутилган; ҳукумат ҳам ишчиларни тўлиқсиз бандлик тартибига ўтказиш туфайли суғурта бадалларидан йўқотишларнинг бир қисмини қоплаш мажбуриятини олади (Буюк Британия, Германия, Францияда)[11].

Шуни таъкидлаш жоизки, суғурта бадалларининг пасайиши билан боғлиқ равишда пенсия тизими даромадларини давлат томонидан қоплаш ҳақида қарор қабул қилинган мамлакатлар бюджет молиялашига кўпроқ боғлиқ бўлиб қоладилар. Бу ерда суғурта бадаллари тўловига нисбатан берилган имтиёзларни қоплаш ҳақида аниқ қарорлар қабул қилинмаган, яна ҳозирги пенсия индексацияларини камайтириш ва келажак пенсионерларнинг пенсия олиш ҳуқуқларини қисқартиришни ҳам кутиш мумкин. Кўринишидан қамрови бўйича кенг ва тўловлар ҳажми бўйича саҳоватли пенсия тизимига эга бўлган Дания, Финландия, Швеция каби мамлакатларда пандемия даврида пенсия бадалларини тўлаш ҳажмлари ва муддатлари ўзгармади [11].

ХМТ маълумотларига кўра, 2020 йил 30 июнда аҳолини пенсия мажбуриятлари доирасида қўллаб – қувватлаш чораларини 51 та мамлакат қўлламоқда (2-расм). Мамлакатлар орасида кўп тарқалган чоралар пенсия тўловларини ошириш ва бўнаклаш ҳисобланади. Биринчилари кўпроқ Лотин Америкаси мамлакатларида (Бразилия, Перу, Парагвай ва б.), иккинчилари Африка мамлакатларида (Камерун, Миср, Кения ва б.) амалга оширилмоқда[22].



2-расм. Мамлакатлар бўйича пенсия тизими доирасида аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари, мамлакатлар сони[22]

Ўртача ривожланиш даражасига эга бўлган айрим мамлакатлар пенсия тўловлари, қўшимча индексациялар (масалан, Албания, Болгария, Туркия, Миср) ёки пенсионерларга ягона вақтдаги тўловлар (Аргентина) ҳақида қарор қабул қилдилар. Суғуртали пенсия тизимлари мавжуд бўлмаган кам тараққий этган мамлакатлар ижтимоий пенсиялардан фойдаланишни кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилдилар ёки умуман, шундай ижтимоий дастурларни киритдилар (Самоа, Гвинея-Бисау ва б.) [22].

Қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлари. Кўпчилик ривожланган мамлакатлар ушбу ёш гуруҳларини қўллаб-қувватлаш учун ҳеч қандай чора кўрмадилар, чунки пандемия шароитида амал қилаётган ёки қўлланилаётган тадбирлар жумладан, катта ёшдаги кишиларга тарқалди. Кореяда кекса ишчилар ишга жойлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун субсидия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар[11].

Аксинча, ижтимоий ҳимоя тизими инқирозига қадар тўловлар ва қамров даражаси кичик бўлган ўртача ва паст ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда қатор ҳолатларда катта ёшдаги шахсларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди[7]. Бундан ташқари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ягона вақтдаги тадбирлари одатда либерал ижтимоий сиёсат моделига эга бўлган алоҳида ривожланган мамлакатларда қўлланилди. Масалан, Австралияда, Босния-Герцеговина, Гватемала, Исроил, Канада, Кения, Словения, Украина, Шри-Ланки ва ЖАР да катта ёшдаги кишилар учун ягона вақтдаги тўловларни қўллаб-қувватлайдиган тадбирлар кўзда тутилди[24]. 22 та мамлакатда ижтимоий

пенсияларга тегишли қарорлар қабул қилинди[7].

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирги вақтда хорижий тадқиқотчилар орасида ижтимоий давлатларни таснифлашга нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас: улар турли мезонлар бўйича ижтимоий давлат турларини ажратадилар, бу турларнинг номи ҳам, уларнинг асосий хусусиятлари ҳам фарқланади. Уларни бирлаштирадиган ягона нарса – бу Эспинг-Андерсеннинг таснифлашига асосий сифатидаги муносабатдир.

Бизнинг фикримизча, таклиф қилинган “янги” таснифлашлардан бирортаси ҳам ижтимоий давлат классик назарияси бўлиш учун етарли даражада ишончли эмас. Улардан кўпчилигини Эспинг-Андерсеннинг ижтимоий давлатни таснифлаши сифатида қараш мумкин. Гап шундаки, замонавий ижтимоий давлатлар ҳар хил турларининг конвергенциясини таъминлайдиган глобаллашув жараёнлари таъсирида ўзгаради. Бироқ бу жараён ҳозирги замон олимлари томонидан етарли даражада ўрганилмаган.

Қабул қилинган чораларнинг бир қисми бутун аҳолига йўналтирилган ва қарияларнинг аҳволига билвосита таъсир кўрсатади:

- биринчидан, ишини йўқотганлар учун ҳам ЖКХларни субсидиялаш дастуридан фойдаланиш кенгайтирилди, энергия истеъмолнинг меъёри эса оширилди; субсидия олиш ҳуқуқи 2020-2021 йиллар иситиш мавсумига қадар автоматик равишда узайтирилди. Ишини йўқотган, кам таъминланган шахслар, ватанига қайт-

ган мигрантлар кафолатланган энг кам даромад олиш ҳуқуқига эга бўдилар.

- иккинчидан, энг кам ишсизлик нафақаси ҳажми оширилиб, уни олишга жумладан, норасмий бандлар ва ишдан бўшатишган шахслар ҳақ-

ли. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида даромадини йўқотиш Ижтимоий суғурта фонди томонидан қисман қопланади. Ва ниҳоят, тўловлар йўли билан КЎБ нинг тўлиқ-сиз бандликка ўтиши рағбатлантирилди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Аналитический бюллетень НИУ ВШЭ об экономических и социальных последствиях коронавируса в России и в мире. URL: <https://www.hse.ru/corona/issues#pagetop>
2. Brooke, J., & Jackson, D. (2020). Op.cit.
3. Comas-Herrera A, Zalakaín J, Litwin C, Hsu AT, Lemmon E, Henderson D and Fernández J-L (2020) Mortality associated with COVID-19 outbreaks in care homes: early international evidence. Article in LTCcovid.org, International Long-Term Care Policy Network, CPEC-LSE, 26 June 2020
4. Daniel Béland & Patrik Marier (2020): COVID-19 and Long-Term Care Policy for Older People in Canada, Journal of Aging & Social Policy, DOI:10.1080/08959420.2020.1764319
5. European Union Agency for Fundamental Rights (2020). Coronavirus Pandemic in the EU – Fundamental Rights Implications: With a Focus On Older People. URL: https://fra.europa.eu/sites/default/files/fra_uploads/fra-2020
6. European Union Agency for Fundamental Rights (2020). Op.Cit. Wang, B, Hua, Y., & Dong, X. (2020). Development and validation of a predictive index of elder self-neglect risk among a Chinese population. Aging & Mental Health, 1-8. <https://www.theguardian.com/global-development/2020/jun/30/covid-19-intensifies-elder-abuse-globally-as-hospitals-prioritise-young>.
7. Gentilini, Ugo; Almenfi, Mohamed; Orton, Ian; Dale, Pamela. 2020. Social Protection and Jobs Responses to COVID-19 : A Real-Time Review of Country Measures. World Bank, Washington, DC. World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/33635> License: CC BY 3.0 IGO.
8. Idem. Problems and Policies at the Tum of the Century//Marshall T.H. Social Policy in the Twentieth Century. L: Hutchinson, 1967.Chap.2 Ўша жойда, -P.24 Ўша жойда, -P.24
9. Lorenz-Dant K. (2020) International examples of measures to support unpaid carers during the COVID-19 pandemic Report in LTCcovid.org, International Long-Term Care Policy Network, CPEC-LSE, 17 June 2020. URL: <https://ltccovid.org/wp-content/uploads/2020/06/International-measures-to-support-unpaid-carers-in-manage-the-COVID19-situation-17-June.pdf>
10. Morrow-Howell, N., Galucia, N., & Swinford, E. (2020). Recovering from the COVID-19 pandemic: A focus on older adults. Journal of aging & social policy, 1-9. Brooke, J., & Jackson, D. (2020). Older people and COVID-19: Isolation, risk and ageism. Journal of clinical nursing.
11. Обзор международной практики поддержки экономики и населения в условиях борьбы с пандемией коронавируса в Армении, Великобритании, Германии, Дании, Испании, Италии, Казахстане, Китае, Нидерландах, США, Финляндии, Франции, Швеции, Южной Кореи, Японии (2020). / Под общ. ред. О.В. Синявской. URL: https://isp.hse.ru/covid_ip
12. Petretto, D. R., & Pili, R. (2020). Ageing and COVID-19: What is the Role for Elderly People? Geriatrics 2020, 5, 25; doi:10.3390/geriatrics502025.; Brooke, J., & Jackson, D. (2020). Op.cit
13. United Nations (2020). The Impact of COVID-19 on Older Persons. Policy Brief, May. URL: <https://unsdg.un.org/sites/default/files/2020-05/Policy-Brief-The-Impact-of-COVID-19-on-Older-Persons.pdf> (Accessed 07.07.20)
14. WHO (2020). COVID-19 and violence against older people. June. URL: <https://www.who.int/publications/m/item/covid-19-and-violence-against-older-people>
15. Якушев Е.Л., Синявская О.В., Ворон О.В. Влияние пандемии COVID-19 на институты социального страхования. URL: <https://www.hse.ru/mirror/pubs/share/368505085.pdf>.
16. <https://www.helpage.org/what-we-do/coronavirus-covid19>;
17. <https://www.age-platform.eu/coronavirus-covid-19>;
18. https://fra.europa.eu/sites/default/files/fra_uploads/fra-2020-coronavirus-pandemic-eu-bulletin-june_en.pdf
19. <https://www.hel.fi/uutiset/ru/helsingissa-kaynnistetty-laaja-yhteisty-ikaantyneiden-auttamiseksi-poikkeusoloissa-ru?fbclid=IwAR1clvb59SHw2txMl-p0GWxq1mfILT3nhCZAT34L-LKaxiWYrAISsdw-2Qw>
20. https://www.hse.ru/data/2020/06/01/1604276775/ISP%20HSE_COVID-19%20and%20Social%20Security_Dis.n%20Paper%201_Update_May%2026%202020_RU.pdf
21. <https://www.publicsenat.fr/article/parlementaire/coronavirus-la-reforme-des-retraites-et-de-l-assurance-chomage-desormais-hors>
22. <https://www.social-rotection.org/gimi/ShowWiki.action?id=3417&lang=EN>
https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A0%D0%B0%D0%B7%D0%B2%D0%B8%D0%B2%D0%B0%D0%B0%D1%8E%D1%89%D0%B8%D0%B5%D1%81%D1%8F%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%B0%D1%8B#cite_note-4
23. <https://www.worldometers.info/coronavirus/coronavirus-age-sex-demographics/>;
<https://ourworldindata.org/mortality-risk-covid#case-fatality-rate-of-covid-19-by-age2>
<https://data.cdc.gov/NCHS/Provisional-COVID-19-Death-Counts-by-Sex-Age-and-S/9bhg-hcku>
24. <https://www.social-rotection.org/gimi/ShowWiki.action?id=3417&lang=EN>